



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 5 март, пайшанба, №25 (3671).



»» Президент

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

ЖАМБИЛ МЕРОСИ – МАЪНАВИЯТНИНГ БЕБАҲО ДУРДОНАСИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Жамбил Жабаев таваллудининг 180 йиллигига бағишланган тантанали тадбир иштирокчиларига табрик йўллади.

Давлат раҳбари ўз қутловида қозоқ халқининг буюқ фарзанди, миллий адабиёт классиги – Жамбил Жабаевнинг таваллуд санаси юртимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, унинг серқирра ижодида ватанпарварлик ва бирдамлик, қаҳрамонлик ва халқ манфаатларига фидойилик, ҳалоллик ва адолат каби эзгу қадриятлар улуғланган.

Президентнинг таъкидлашича, Жамбил халқимизнинг ёрқин вакили сифатида айтишув санъати ривожига бекиёс ҳисса қўшди, эпос аъналарини қайта тиклади. Шунингдек, у қозоқ ва қирғиз халқлари ўртасидаги маданий ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўз даври ҳаётини юксак маҳорат билан акс эттирган шоир халқнинг самимий эҳтиромини ва эътирофига сазовор бўлди. «XX аср Гомери» дея эътироф этилган улуг оқин ҳизмат қилишини қайд этди. Шунингдек, юбилей йили доирасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва концептуал ёндашувлар Жамбил Жабаев шахсининг янги қирраларини очиб беришга замин яратилишига ишонч билдирди.

Президент тадбир иштирокчиларига муваффақият тилади.

Akorda.kz.



ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙДИ: ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ПРЕЗИДЕНТГА ҲИСОБОТ БЕРДИ

Давлат раҳбари Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазири Ержан Садевовни қабул қилди.

Президентга мамлакатдаги жиноятчилик, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий интизомни таъминлаш юзасидан илгари берилган топшириқларнинг ижроси ҳақида ахборот тақдим этилди.

Ержан Садевовнинг маълум қилишича, Қозоғистонда жиноятчилик даражаси жорий йилнинг дастлабки икки ойида 8 фоизга камайган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 мингтага кам. Асосий тоифадаги жиноятлар бўйича кўрсаткичлар пасайган ва жиноятларни аниқлаш даражаси ошган.

Интернетдаги фирибгарликка қарши тизимли кураш давом этмоқда. Олдини олиш чоралари ва хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик натижасида кибержиноятчилик ҳажми 4 фоизга камайди.

Уюшган жиноятчиликка

қарши кураш доирасида 71 киши жиноий жавобгарликка тортилиб, 11та гуруҳнинг фаолияти тўхтатилди.

Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш тизимли равишда олиб борилмоқда: бешта гиёҳванд моддалар лабораторияси аниқланди. 881,5 килограмм турли гиёҳванд моддалар, жумладан, 104 килограммдан зиёд синтетик гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомалага киришининг олди олинди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевга кўчаларда ҳуқуқий интизомни ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун

рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, миграция назоратини кучайтириш ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Фуқароларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда «Жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Дропшипинг (воситачилик асосидаги онлайн савдо), сталкинг (шахсий ҳаётга таъжовузорона аралаш) ва мажбурий никоҳ учун жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Учрашув якунида Давлат раҳбари мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий интизомни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор аниқ топшириқлар берди.

Akorda.kz.

Ҳар биримизнинг овозимиз муҳим!

15 МАРТ КУНИ РЕФЕРЕНДУМ

Референдумда фуқароларга
“2026 йил 12 февралда оммавий ахборот
воситаларида эълон қилинган
“Қозоғистон Республикасининг янги
Конституцияси лойиҳасини қабул қиласизми?”
деган савол тақдим этилади.

Референдум фуқароларнинг ихтиёрий иштироки,
эркин танлови асосида, шунингдек, умумий, тенг,
беvosита ва яширин овоз бериш тамойиллари
асосида ўтказилади.

Қозоғистон Республикаси
Марказий референдум комиссияси
www.election.gov.kz

ЯНГИ КИБЕРХАВФСИЗЛИК АНДАЗАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Kazinform. Қозоғистонда маълумотлар ва рақамли инфратузилмани ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги миллий андазалар тасдиқланди, дея хабар беради «ҚазСтандарт» РДК.



«ҚазСтандарт» платформасида ушбу мавзуда онлайн давра суҳбати ўтди. Унда ҚРнинг СТ 4011-2025 андазаси дастурий таъминотни хавфсиз ишлаб чиқиш учун асосий талабларни белгилаши айтилди.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, андазалардан фойдаланиш рақамли муҳитнинг барқарорлигини оширади, муҳим маълумотларни ҳимоя қилади ва хорижий технологик ечимларга қарамликни камайтиради.



АПРЕЛЬ ОЙИДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Kazinform. «Qazgidromet» РДК матбуот хизмати Қозоғистон ҳудудиде жорий йил апрель ойига мўлжалланган узоқ муддатли об-ҳаво маълумотини тақдим этди.

Маълум қилинишича, апрель ойи илиқ ва айрим ҳудудларда ёмғирли бўлиши кутилмоқда. Республика бўйлаб ҳаво ҳарорати, асосан, мейёрдан юқори бўлади.

Жанубий ва жануби-шарқий тоғли ҳамда тоғ олди ҳудудларида ҳарорат кўрсаткичлари кўп йиллик мейёрга яқин сақланади.

Ёғингарчилик миқдори республика ҳудудининг аксарият қисмида мейёр доирасида бўлиши тахмин қилинмоқда. Бироқ ғарбий ва шарқий тоғли ҳудудларда ёғингарчилик миқдори мейёрдан юқори бўлиши кутилмоқда.



Kazinform. 2025 йил 24 майдан бошлаб уй-жой сиёсати киритилган ўзгаришларга мувофиқ, фуқароларни уй-жой навбатига қўйиш ва уни мувофиқлаштириш ваколати «Отбасы банк» ҳиссадорлик жамиятига ўтказилди. Эндиликда уй-жойга муҳтожлар барча мурожаат ва аризаларини банк орқали расмийлаштира олади.

УЙ-ЖОЙ НАВБАТИ «ОТБАСЫ БАНК» ОРҚАЛИ ЮРИТИЛМОҚДА

Янги тартибга кўра, навбатда турган фуқаролар «Уй-жой билан таъминлаш маркази» ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали маълумотларини тасдиқлаши шарт. Вилоят бўйича 69 119 нафар фуқаро қайта рўйхатдан ўтиши керак бўлса, ҳозирга қадар 33 028 нафари (47,8 фоиз) ҳужжатларини расмийлаштирган. Айрим худуд-

ларда, жумладан, Арис шаҳри ва Ўрдабоши туманида кўрсаткич пастлигича қолмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирда вилоятда 113 536 нафар фуқаро уй-жой навбатида турибди. Навбатдагиларнинг асосий қисмини кўп болали оилалар ҳамда I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади.

Шунингдек, 1 953 оила ижара тўловини субсидиялаш дастури

билан қамраб олинган. 2026 йил учун бу мақсадга вилоят бюджетидан 500 миллион тенге ажратиш режалаштирилган.

Масала вилоят ҳокими Нуралхан Қўшеров раислигида ўтган йиғилишда муҳокама қилиниб, уй-жой навбатини тартибга солиш ва тайёр хонадонларни қонун талаблари асосида ўз вақтида тақсимлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

2026 йил март ойида иш кунлари бошқа ойлارга қараганда камроқ бўлади.

Ҳафтада беш кун ишлайдиганлар учун: 31 кундан 13 кунга дам олиш ва 18 кунга иш кунга бўлади.

Кўшимча дам олиш кунлари байрамлар муносабати билан кўчирилган кунлар ҳисобига берилади.

8 Март – Халқаро хотин-қизлар кунга яқин кунга тўғри келади. Ҳафтада беш кун ишлайдиганлар учун: 7, 8 ва 9 март – уч

кунлик дам олиш (шанба, яқинба ва душанба). 10 март, сешанба – биринчи иш кунга.

Наврўз байрами 21–23 мартда нишонланади. 2026 йилда бу кунлар дам олиш кунларига тўғри келгани боис кўшимча дам олиш кунлари 24 ва 25 мартга кўчирилади.

Ҳафтада беш кун ишлайдиганлар учун: 21–25 март – беш кунлик дам олиш (шанбадан, сешанбагача).

Tengrinews.kz.

МАРТ ОЙИДАГИ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ВА БАЙРАМЛАР



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ХАЛҚАРО ОТЧОПАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ



Қурилиш “ВВД Строй-инжиниринг” МЧБ томонидан олиб борилган. Электр қуввати, сув, иссиқлик ва кариз тизимлари ўрнатилган. 1500 нафар томошабинга мўлжалланган кузатув майдони, 4та ёпиқ ва 2та ёзги кўра, машқ зали қурилиши поёнига етган. Кўпқари майдонида LED экран ҳам ўрнатилган. Вилоятимизда от спортини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Таъкидлаш жоизки, Наврўз байрами арафасида унинг тақдироти ва ушбу кунга бағишланган тадбирлар доирасида спортнинг 10га яқин туридан халқаро мусобақалар ўтади. Жумладан, кўпқари бўйича жаҳон чемпиони, “Қозоғистон қоплони” турнири, анъанавий камон отишдан Осиё чемпиони ва бошқа мусобақалар ўтади.

Вилоят ҳокими отчопарни кўздан кечиргандан сўнг Туркистондаги бошқа қурилиш иншоотлари билан ҳам танишди. Пудратчиларга ишни ўз вақтида ва сифатли яқунлаш юзасидан топшириқлар берди.

Туркистон шаҳрида халқаро талабларга мос отчопар барпо этилмоқда. Ҳозирги кунда муҳим иншоотнинг тақдиротига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров иншоотга бир неча маротаба ташриф буюриб, қурилиш жараёнини кўздан кечирди. У қурилиш ва иншоот меъморчилигига оид мулоҳазаларини билдириб, тайёргарлик ишларини пухта ва сифатли олиб боришни топширди.

– Мазкур отчопар спорт мажмуаси бўлиш баробарида, минтақадаги сайёҳлик иншоотларидан бирига айланиши керак. Ташкилий ва мувофиқлаштириш ишларини янада пухталанг, – деди Нуралхан Кўшеров.



»»»“Тоza Қозоғистон”

Вилоятда тозаликка қаратилган саъй-ҳаракатлар янада жонланди. “Тоza Қозоғистон” дастури эса ҳаёт тарзига айланмоқда.



Ҳозирги кунда республика аҳамиятига молик йўлларни тозалаш учун 20та техника ва 132 нафар ишчи сафарбар этилган. Вилоят йўлларида эса 22та техника ва 82 нафар фидойи меҳнат қилмоқда. Йўлларнинг тозалиги доимий назоратда.

ТОЗАЛИК ТАДБИРЛАРИ ЖОНЛАНМОҚДА

Мажлисида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов жорий йил учун тасдиқланган 7 257та тозалаш тадбирлари режаси ҳақида ахборот берди.

Вилоят ҳудудида чиқинди кўп тўпланадиган 117 “қайноқ нуқта” аниқланган. Уларнинг махсус харитаси ишлаб чиқилиб, алоҳида назоратга олинган.

“Тоza Қозоғистон” дастури доирасида экологик маданиятни шакллантириш мақсадида “Эко-патруль” фаол ёшлар лойиҳасини ишга тушириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда 387 нафар фаол ёшлар рўйхати тузилиб, уларнинг салоҳияти шу соҳага йўналтирилади.

Бундан ташқари, “Ғарыш сапары” космик мониторинг тизими орқали аниқланган чиқиндихона доимий равишда назорат қилинмоқда. Сўнгги икки йиллик таҳлил натижаларига кўра, ноқонуний чиқиндихоналарнинг сони 367дан 249гача камайган. Шунингдек, телеграм чат-бот “TAZQAQZBOT” орқали келган аризалар доимий равишда назоратда.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров “Тоza Қозоғистон” дастурини сифатли амалга ошириш, бу борадаги ишларни жонлантириш юзасидан топшириқлар берди.

ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Чўлоққўрғон қишлоғида саноат йўналишидаги янги тикувчилик цехи фойдаланишга топширилди. Бу ерда маиший кўлқоплар, пайпоқлар ва пойфазаллар тикилади.



Цехнинг тантанали очилиш маросимида туман ҳокими Мухит Турисбеков иштирок этиб, лойиҳанинг ҳудуд иқтисодиётини ранг-баранглаштириш ва янги иш ўринларини яратишдаги аҳамиятига алоҳида тўхтади.

– Тадбиркорлик туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий бар-



зақ групп” МЧБ. Унинг раиси Аблай Октябров келгусидаги режалари билан ўртоқлашиб, корхонанинг маҳаллий аҳолини доимий иш билан таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади. Туманинг фахрий фуқароси Буркит Аринбеков янги корхона фаолиятига эзгу ниятлар билдириб, дуо қилди.

Маросимда иштирокчилар корхонанинг иш жараёни билан танишди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш жадал бош-

ланган бўлиб, тикувчилар ишларини тизимли олиб боришмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 250 миллион тенге бўлиб, у хусусий тадбиркор маблағи ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Корхона йил давомида 876 000та кўлқоп, 25 минг дона махсус кийим, 10 мингта енгил пойфазал чиқариш қувватига эга. Айни дамда 25 нафар одам доимий иш билан таъминланган.

Ҳар биримизнинг овозимиз муҳим!

15 НАУРЫЗ МАРТ РЕФЕРЕНДУМ

»»» Очиқ минбар

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА БОШЛОВЧИ ҲУЖЖАТ

Жамият тараққиёти доимо ўзгариб, янги талаблар ва янги масъулиятларни илгари сурмоқда. Иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, таълим, рақамлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти тузилмаларининг ўрни тобора кучайиб бораётган бугунги даврда давлатнинг асосий қонуни ҳам замон талабларига мос равишда янгиланиши зарур. Шу нуқтаи назардан, тақдим этилаётган янги Конституция лойиҳаси мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган ҳужжатдир.

Янги Конституция – фақат ҳуқуқий меъёрлар ўзгариб қолмади. Давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда миллий тараққиётнинг узоқ муддатли йўналиши белгиланади.



Шу боис мен барча туркистонликларни янги Конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлашга, 15 март куни ўтказиладиган референдумда фаол иштирок этишга чақираман. Ҳар бир овоз юртимиз келажаги учун муҳимдир.

Нурали АБИШОВ,
вилоят маслаҳатининг
раиси.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



Лойиҳада кўплаб муҳим ўзгаришлар кўзга ташланади. Оддий қозоғистонликларнинг муҳожамада фаол иштирок этиши ушбу жараёнинг аҳамиятини янада оширди. Янги Конституция лойиҳасидаги асосий янгиланган бири – таълим, фан, инновация ва ижодий эркинликка алоҳида эътибор қаратилгани, бу соҳалар давлатнинг дастурий тараққиёти йўналиши сифатида белгиланганидир. Бу эса юртимизни барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Шу боис мен барча ҳамкасбларимни, ўқитувчи ва талабаларни янги Конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлашга чақираман, 15 март куни ўтадиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этишни сўрайман.

Жанар ТЕМИРБЕКОВА,
Хожа Аҳмад Яссавий
номдаги ҚХТУ ректори.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ

Конституциявий янгиланишларнинг асосий йўналишларидан бири – ахборот майдонида масъулиятни оширишдир. Ахборот хавфсизлиги рақамли даврда алоҳида аҳамият касб этади.

Шу боис қонунчилик доирасида ёлғон ахборот тарқатишининг олдини олиш, шу билан бирга, сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи ўртасидаги мувозанатни сақлаш – давр талабидир. Ушбу ташаббус жамиятда барқарорликни таъминлашга ва фуқароларнинг онгли танлов қилишларига хизмат қилади.

Ислохотлар таълим, фан, маданият ва инновация соҳаларининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга янги суръат бағишлади. Таълим ва фанни ривожлантиришга конституциявий даражада эътибор қаратилиши, инсон капитали сифатини юксалтириб, ёш авлод салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Маданиятни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш миллий ҳуқуқий давлатга бўлган ишончнинг мустаҳкамлайди.



Конституциявий ислохотлар ва Конституциявий кенгашининг тизимли фаолияти мамлакатимизнинг демократик тараққиётига, қонун устуворлиги ва ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечиришга қаратилган кенг қўламли янгиланишларнинг амалий ифодасидир. Шу боис барчамизни 15 март куни ўтадиган республика референдумида фаол иштирок этишга чақираман.

Тоҳир НИШОНБЕКОВ,
Шимкент шаҳар ЎЭМБ раиси.

»» Таҳлил

“Хавфсиз ва тинчликпарвар давлат” деганда фақат ташқи сиёсатдаги натижаларгина эмас, мамлакат ичидаги тинчлик-осойишталик, бағрикенглик муҳити нечоғлик таъминлангани ҳам муҳим мезон. 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилувчи мамлакатимиз учун бу жиҳатлар барқарорликнинг муҳим кафолатидир.



Шу боис, янги таҳрирдаги Конституциянинг Қозоғистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва аънаналари ҳурмат қилинишининг таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши мустақамлаб қўйилгани бундай эзгу қадриятлар давомийлигида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамият ҳаётининг барча жабҳасидаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар йўналишида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширили-

ти. Чунки бу юрда кўп миллатлилик мамлакатимизнинг стратегик бойлиги сифатида баҳоланади.

Барчамиз учун азиз ва мўтабар бўлган Ватанимиз инсон қадри ва бахти улуғланадиган тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланмоқда. Бу хайрли ишлар бардавом бўлиши халқимизнинг эзгу ниятидир.

Шу маънода “Қозоғистон – 2050” стратегиясида давлат ва жамият тараққиётини юксалтиришга йўналтирилган муҳим мақсад ва вазифалар қаторида жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустақамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК УЛУҒЛАНАЁТГАН ЮРТ

алоқаларини ривожлантириш юзасидан қатор янги ташаббуслар илгари сурилди.

Натижада Қозоғистоннинг кўп миллатли жамият сифатидаги ижобий қиёфаси халқаро майдонда янада мустақамланиб, хорижий давлатлар билан дўстлик, стратегик ҳамкорлик ва ўзаро ишончга асосланган алоқалар янги, сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилади.

ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҚАМ ҚАЛҚОНИ

Ҳозир дунёнинг сиёсий ва ҳарбий харитасидаги ўзгаришлар шиддатли

кечмоқда. Бу жараёнда хавфсизлик ва чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, суверенитетни асраш ҳаёт-мамонт масаласига айланмоқда.

Бундай вазиятда она Ватанини муҳофаза қилиш, юрт тинчлигини асраш мард ва жасур ҳимоячилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу эса давлатнинг муҳофаза салоҳиятини кучайтириш, армиянинг ҳарбий қудратини ошириш каби кечиктириб бўлмас вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу ҳаётий муҳим масалаларга оқилона ёндашилиб, Ватанимиз муҳофазасини кучайтиришга эътибор ҳар қачонгидан ҳам ошган. Қуролли Кучларнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарув ва таъминлаш тизими такомиллаштирилиб, илғор ахборот техно-

логиялари асосида замонавийлаштирилмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустақам бирлик ва жипсликни янада кучайтиришга қаратилган ишлар изчил давом этапти.

Соҳада замонавий ахборот технологиялари ва сунъий идрокдан фойдаланиш орқали қўшинларда рақамлаштириш даражаси кескин оширилди. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилмоқда.

Минтақавий ва дунёвий вазият доимий таҳлил қилиниб, бу чора-тадбирларнинг барчаси, аввало, халқимиз билан бамаслаҳат ҳолда кўрилмоқда. Зеро, бугунги синовли даврда халқ ва давлат бирлиги манфаатли, оқилона қарорлар қабул қилиш, шу асосда келажак авлодларга тинч, барқарор ва обод Ватан мерос қолдиришдек эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилади. Қолаверса, дунёда тинчлик ва барқарорликка эришишда Қозоғистоннинг мақоми ва таъсирини юксалтириш учун замин яратилади.

Алишер СОТВОЛДИЕВ,
Қозоғистон Республикаси
Парламент Сенати депутати,
Сенатнинг Халқаро алоқалар,
мудофаа ва хавфсизлик
қўмитаси аъзоси.



ТЎРТ ТАЯНЧ – БИР НУҚТАДА

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ,
ИШБИЛАРМОНЛИК ТАШАББУСИ ВА ДАВЛАТ КЎМАГИ



Индустриал минтақаларнинг сановат салоҳияти тобора юксалмоқда. Бу ердаги замонавий технологияли корхоналар ички ва ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминламоқда.

Шимкент шаҳридаги “Balabi Textile” трикотаж фабрикаси бугунги кунда тўла қувватда ишлаб, маҳаллий бозорни

турли ранг ва безакдаги эркак, аёл ва болалар учун мўлжалланган пайпоқ ва трикотаж маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Мамлакатимиз энгил саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган корхонада бугун 500дан зиёд маҳаллий мутахассис иш билан таъминланган.

– Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар самара бермоқда, – дейди корхона бош директори Асан Балабиев. – Фабрикамиз 2022 йилда Россиянинг етакчи компанияси етказиб берган технологиялар асосида тўлиқ янгиланди. Президенти-

Покистон билан савдо алоқалари барқарор ва ўсишда давом этмоқда.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш линиялари маҳсулот сифати ва ҳажмини сезиларли ошириш имконини беради. Фабрикада автоматлаштирилган ускуналар қўлланилиб, ишлаб чиқариш жараёнида инсон омили энг кам дара-



мизнинг Мақтубида ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш вазифаси юклангач, тегишли қарор ва фармонлар имзоланди. Бу тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Экспорт географиясининг асосий қисми беш давлатга тўғри келади: Россия, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон ва



жага туширилган. Бу маҳсулот сифати катта таъсир кўрсатмоқда.

Корхона қисқа муддат ичида бозорда ўз ўрнига эга бўлиб, ички талабни қондириш баробарида ташқи бозорларга чиқиш сари ҳам изчил қадам ташламоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги, экологик хавфсизлиги ва замонавий дизайни билан ажралиб туради.

Ҳар йили фабрикада ўнлаб янги иш ўринлари яратилади. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий барқарорликни мустақамлашга хизмат қилади.


“Balabi Textile” фаолияти мамлакатда энгил саноат тармоғини ривожлан-

тириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бир муаммо ҳам бор: ҳозирча текстиль хомашёси асосан хориждан импорт қилинади. Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларида оқ олтин етиштирилишига қарамай, пахта Ўзбекистондан, синтетика Хитойдан олиб келинади.

– Биз маҳаллий маҳсулотлардан имкон қадар кўпроқ фойдаланишимиз, шу асосда ўз салоҳиятимизни ривожлантиришимиз керак. Бу маҳсулот нархини пасайтириш ва минтақа иқтисодиётини мустақамлашга ёрдам беради, – дейди Асан Қайратули.

Кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам муаммолар мавжуд. Республикадаги ҳеч бир коллеж тўқимачилик дастгоҳлари операторларини тайёрламайди, шу вазифа бевосита ишлаб чиқарувчилар зиммасига тушади. Улар мутахассисларни хориждан қақаришади ва цехларни вақтинча ўқув марказларига



Шаҳноза АВАЗХОН қизи,
“Balabi Textile” МЧБ
матбуот котибаси.

